

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ СТРАТЕГИК БОСҚИЧЛАРИ СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА МАХАЛЛИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

### STRATEGIC STAGES OF THE MAHALLA INSTITUTE IN THE NEW UZBEKISTAN

И.Рахимов<sup>1</sup>

<sup>1</sup> И.Рахимов

— Фарғона политехника институти, Ўзбекистон тарихи кафедраси ассистенти.

#### Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда маҳалла институтини модернизация қилишнинг долзарб муаммолари, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини таҳлил этишнинг замонавий ёндашувлари, шунингдек, мустақиллик йилларида кўп миллатли, конфессияли маҳаллалар фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

#### Аннотация

В данной статье рассматриваются актуальные проблемы модернизации института махалли в Узбекистане, современные подходы к анализу деятельности органов местного самоуправления, а также особенности организации многоэтнических, религиозных общин в годы независимости.

#### Annotation

This article discusses the current problems of modernization of the mahalla institution in Uzbekistan, modern approaches to the analysis of the activities of local self-government bodies, as well as the peculiarities of the organization of multi-ethnic, religious communities in the years of independence.

**Таянч сўз ва иборалар:** маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий Мажлисга Мурожаатнома, “янги Ўзбекистон — янги маҳалла”, ўз-ўзини бошқариш, “маҳалла фонди”, маҳалла институти, жамоатчилик назорати, кўп миллатли, конфессияли маҳаллалар фаолияти, маҳаллалар фаолиятини баҳолашнинг индикаторлари.

**Ключевые слова и выражения:** министерство махали и поддержки семьи, Послание Олий Мажлису, «Новый Узбекистан — новая махалля», самоуправление, фонд «Махалла», институт махалли, общественный контроль, индикаторы оценки деятельности многонациональных конфессиональных махаллей.

**Keywords and expressions:** MINISTRY of Mahalla and Family Support, Address to the Oliy Majlis, “New Uzbekistan - New Mahalla”, Self-Government, Mahalla Fund, Mahalla Institute, Public Oversight, Indicators for Evaluating the Activities of Multinational, Confessional Mahallas.

1. Долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил Сенат қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзи ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди. Маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молияий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига — жамғармасига эга бўлди. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўзининг ҳудудида ички низомини ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳаллалардаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин. Ушбу мақолада маҳалла

институтини такомиллаштиришнинг асосий омиллари ва ушбу тузилманинг ривожланиш тенденцияларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан дунёда такрорланмас тузилма — маҳалла институти янада такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамиятини янги босқичга кўтариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу ўринда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш кераклиги ҳақида Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга

Мурожаатномасида барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қилди. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши кераклигини таъкидлаган ҳолда маҳалла институтининг таъсирчанлигини ошириш кераклигини айтиб ўтди.

Миллий мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислохотлари жараёнлари шуни кўрсатдики, эски тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш тадрижий характерга эга бўлиб, бу жараёнларда муаммоларни бартараф этиш фуқароларнинг бошқарув ва сиёсий қарорлар қабул қилишда кенг ва фаол иштирокини талаб этади.[1.193 бет]

Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда азалдан маҳалла институти бошқарувнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, бу тузилмага юклатилган вазифалар ҳам (агар буни вазифа десак) маъмурий буйруқбозликка, ушбу органнинг эркинликларини чеклаш ҳолатлари мавжуд эди. Шунингдек, собиқ Иттифоқ мафкураси маҳаллаларни расман тан олмади, уларни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳаллалар фаолияти миллий қадриятларни эъзозлаш ва тарғиб қилишга эмас, балки фақат собиқ мустабид тузум ғояларига қаратилди, унинг тузилиши маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос белгилар билан шакллантирилди. Маънавият, таълим-тарбия соҳасида маҳалланинг аҳамияти йўққа чиқарилган, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш ман этилган эди. Бизга яхши маълумки, фуқаролик жамиятини барпо этиш оддийликдан мураккаблик томон, яъни, босқичма-босқич ривожланиш қонуниятларига таянади, бу эса кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз-ўзини бошқариш органларини такомиллаштиришни, шунингдек, уларнинг ваколатларини кенгайтиришни нафақат бугунги ислохотлар балки, “янги Ўзбекистон” нинг ўзи талаб қилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган

вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади.

2017-йил 3-февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли фармонда маҳалла институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан; фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш; жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш; ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолини энг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш сингари энг муҳим масалалар ўрин олганлиги маҳалла институтидаги истиқболли режалар давлат сиёсатининг бош бўғини эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улар ўзининг анъанавий вазифалари билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти

органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажариб келмоқда. Бу вазифалар маҳалла раиси ҳамда фаоллардан кучли билим ва салоҳият, бой тажриба ҳамда маҳорат, замонавий бошқарув механизмларини пухта ўзлаштира оладиган, халқни ишончини қозона олган, том маънодаги юқори малакали профессионал кадрларни талаб этади[1,88].

Шу ўринда маҳалла институтини такомиллаштириш юзасидан жойларда тадқиқотлар ва сўровномалар олинмоқда. Ўтказилган тадқиқот давомида олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ўзбек жамияти мўътадил анъанавий жамият деб хулоса чиқариш мумкин. Замонавий ўзбек анъанавийлигига унинг барча хилма-хиллиги - бир фикр ёки эътиқодга, бирор касб, маълум миллатга эга бўлган кишиларнинг маънавий яқинлигини акс эттирадиган жамоалар муҳим аҳамият касб этади[3,157]. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчи, шунингдек, ҳаётининг катта тажрибага эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди[4,6]. Ижтимоий муносабатларни шакллантириш жараёнида маҳалладаги вазифаларни ҳар томонлама асосланган ҳолда амалга ошириш лозим. Чунки ҳар бир вазифа ўз навбатида ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва самарали йўналтиришга қаратилиши лозим. Бундай вазифа ҳамда масалаларга қуйидагилар киради: фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тегишли қонун ва низомларни янгилаш; жойларда оқсоқоллар кенгашининг мақомини кўтариш; маҳаллада ташкилий ишлар шакллари такомиллаштириш; маҳалла жамоатчилиги назорат органини кучайтириш; маҳалла раисларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш; инвестиция жалб этиш [5,17].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маҳалла институтини алоҳида бир ташкилий тузилмага айлантириш

мақсадида “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 18-февралдаги ПФ 5938-сон фармонлари қабул қилинди. Ушбу фармон 20 банддан иборат бўлиб унда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаларидан тортиб меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий-техник базаларни энг охири ахборот техник воситаларигача таъминлашни кўзда тутди.

#### **Хулоса ва таклифлар:**

Ўзбекистонда, маҳалла институтини такомиллаштириш юзасидан бир талай қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб хисоблайман:

1. Фуқароларда маҳаллаларнинг ривожланиши, ободлиги ва хавфсизлигига манфаатдорлик ҳиссини янада кучайтириш.

2. Қонуннинг мутлоқ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши.

3. Фуқаролар йиғини раисини сайлаш муддатини узайтириш

4. Фуқаролар йиғини раиси беш йил муддатга сайланиши

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзини-ўзи бошқариш органларининг нафақат қонунчилик тамойили балки, маҳаллаларнинг инфратузилмалари ҳам тубдан янгиланиб бормоқда. Мухтасар қилиб айтганда, “Янги Ўзбекистон - янги маҳалла” тизимини фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигини эътироф этишимиз мумкин. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўғинлардан воз кечиш мақсадида таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ўз-ўзини бошқариш органлари маҳалла институтини такомиллаштириш масалалари 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегиясида” ҳам ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиз.

**Адабиётлар:**

1. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. — Т.: Ўзбекистон, 2010.
  2. Муртазаева Р., Утамуродов А., Мусаев О., Иноятова Д. Жамият ривожда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш. — Т.: Турон-иқбол, 2018.
  3. Маҳалла-фуқаролар ўзини-ўзи бошқаруви институтининг ноёб намунаси. Илмий тўплам. —Т.: Мумтоз сўз, 2016.
  4. Рўзиева З., Исмаилова Г. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий таҳлили. — Т., 2016 .
  5. Маҳалла бошқаруви. Қўлланма — Т., 2006 .
  6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабop қўлланма. — Т.: Маънавият, 2019.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 49-47-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони.

*(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.)*